Гулистон Давлат Университети

# Агроиқтисодиёт факультети
# “Умумий иқтисодиёт” кафедраси

кат.ўқ.Аллаёрова М.Қ.

Гулистон-2010

Фан:Ўзбекистон миллий иқтисодиёти
Мавзу: Миллий иқтисодиётни ривожлантиришда инвестиция сиёсати

# Асосий саволлар:

1.Инвестициялар мазмуни, моҳияти ва турлари

2.Ўзбекистон Республикаси инвестиция сиёсати ва уни такомиллаштириш

3.Инвестицион фаолият ва инвестицион ресурслар

# Инвестициялар мазмуни, моҳияти ва турлари.

Инвестиция- иқтисодий, ижтимоий ва бошқа фаолият объектларига қўйиладиган моддий ва номоддий неъматлар ва уларга нисбатан бўлган мулкчилик.

# Инвестиция турлари.

**Капитал инвестициялар**- асосий фондларни яратиш ва такрор ишлаб чиқариш учун қўйиладиган инвестициялар

**Инвестицияли инвестициялар**- техника ва технологиянинг янги авлодига яратиш ва тадбиқ этишга қўйилган қўйилмалар

**Ижтимоий инвестициялар**- инсон салоҳияти, билими ва ишлаб чиқариш тажрибасини ривожлантиришга қўйилган қўйилмалар

**Инвестор** - ўз маблағлари, қарз маблағлари ва жалб қилинган бошқа маблағларни сармоялайдиган ҳамда мулкий бойликларни ва инвестиция фаолияти объектларини сармоялайдиган шахс

# Инвестиция фаолияти субъектлари:

1)жисмоний ва юридик шахслар-ўз резидентлари;
2)жойлардаги давлат хокимияти органлари ва давлат бошқарув органлари;
3)хорижий давлатлар, халқаро ташкилотлар чет-эл юридик шахслари ва фуқаролари, ҳамда фуқаролиги йўқ бўлган шахслар;
4)инвестицион фаолиятни биргаликда амалга ошираётган давлат ва халқаро ташкилотлар;

Инвестицион фаолият– инвестицияларни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган инвестицион фаолият субъектлари ҳаракатининг йиғиндиси.

Инвестицион ресурсларга қуйидагилар киради:

1)пул ва бошқа молиявий маблағлар, кредитлар, акциялар ва бошқа қимматли қоғозлар;
2)ҳаракатдаги кўчмас мулк;
3)интеллектуал мулк объектлари;
4)ер ва бошқа табиий ресурсларга бўлган эгалик ва фойдаланиш ҳуқуқи;
5)республика қонунчилигига тўғри келадиган бошқа бойликлар.

**Инвестициялар** –асосий фондларни кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни таъминлайдиган жараёндир (ресурслар харажатларга айланади). Инвестициялар қисқа муддатли
(1 йилгача) ва узоқ муддатли (1 йилдан ортиқ) инвестицияларга бўлинади.

# Инвестицион фаолият объектлари:

- асосий фондлар ва айланма маблағлар;
- қимматли қоғозлар;
- фан-техника маҳсулоти;
- мақсадли пул маблағлари;
- мулкий ҳуқуқ ва интеллектуал мулкка ҳуқуқ

# Инвестицион фаолият субъектлари:

- инвесторлар;
- буюртмачилар;
- ишни бажарувчилар;
- инвестицион фаолият объектларидан фойдаланувчилар;
- инвестицион фаолиятнинг бошқа иштирокчилари.

# Ўзбекистон Республикаси инвестиция сиёсати ва унинг турлари

Инвестирлаш жараёни

пул маблағларини жамғариш, яъни молиялаш манбаи

маблағларнинг ишлатилиши

# Инвестирлаш манбалари

## марказлашган

1) бюджет маблағлари;
2) нобюджет фондлари;
3) банкларнинг марказлашган кредитлари;
4) ҳукумат кафолатларидаги хорижий инвестициялар ва кредитлар.

## номарказлашган

1) корхона маблағлари;
2) ҳокимиятлар маблағлари;
3) тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитлар;
4) аҳоли маблағлари.

Инвестиция дастури бўйича 2009 йил мобайнида 690 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилди. Уларнинг 303 таси муваффақиятли якунланди.

Республикада жами 22 та йирик ишлаб чиқариш объекти фойдаланишга топширилди.

Шу жумладан:

- нефть-газ, кимё, металлургия саноатида-8 та;
- машинасозлик саноатида- 9 та;
- қурилиш индустриясида- 5 та.

2009 йилда иқтисодиётга инвестициялар киритиш ҳажми 8.2 млрд. долларни ташкил этди. (2008 йилга нисбатан-24.8% кўп). Жалб этилган хорижий инвестициялар ҳажми
68 %га ўсди. Шундан тўғридан-тўғри киритилган инвестиция асосий қисмини ташкил этиб, уларнинг ҳажми 1.6% га ошди.


Эътиборингиз
учун
раҳмат